



## ИҚТИСОДИЙ ОНГНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДАГИ ИННОВАЦИОН ЎЗГАРИШЛАРГА ТАЪСИРИ

С.Д.Наркулов

Тошкент тиббиёт академияси

Ижтимоий фанлар кафедраси мудири,

ф.ф.д., профессор

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10049508>

### ARTICLE INFO

Received: 22<sup>th</sup> October 2023

Accepted: 27<sup>th</sup> October 2023

Online: 28<sup>th</sup> October 2023

### KEY WORDS

Онг, иқтисодий онг, ижтимоий онг, фуқаролик жамияти, инновация, модернизация, иқтисодий онгнинг имманент белгилари.

### ABSTRACT

Мақолада ижтимоий онгнинг муҳим қисми бўлган иқтисодий онг, унинг имманент белгилари, ижтимоий моҳияти, рақобатдош иқтисодиётни шакллантиришдаги ўрни масалалари ёритилган.

Жамиятни янгилаш, модернизациялаш ва ривожлантиришлар ўзгариш билан боғлиқ жараёнлар. Шунинг учун иқтисодий онгдаги ўзгаришлар бозор иқтисодиётига ўтиш, тизимли ислохотлар, кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти, ташаббуслари орқали тадқиқ этилади. Иқтисодий онгнинг объективлашиши нафақат ижтимоий зарурат, шу билан бирга унинг кўриниши, ифодаси ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Амалий натижадорлик, инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаатлари – иқтисодий ислохотларимизнинг ўзак масаласидир.” [1. – 127 б.]

Ижтимоий онгдаги ўзгаришлар жамият, давлат ва бошқарув билан боғлиқ экан у, мазкур тизимнинг таркибий қисми – иқтисодиёт, иқтисодий онг, иқтисодий ҳаётни ҳам ўрганишни тақозо этади. Чунки жамият ҳаётининг фундаменти, субъектив ҳодисаларнинг субстанционал асоси иқтисодий муносабатлардир.

Иқтисодий онг ижтимоий онг билан моҳиятан ва функционал боғлиқ. Мазкур боғлиқлик жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг устуворлиги, уларнинг кишилараро ва институтлараро муносабатларга универсал таъсири, барча субъектларни фаол ҳаракатга, социокреатив изланишларга ундаши инъикосидир. Иқтисодий муносабатлар кишилар онгига “ҳаётдан қониқишнинг яхши усули” сифатида таъсир этади. Бу қониқиш азиятсиз, машаққатсиз, тўсиқларни енгиб ўтишсиз ҳосил бўлмайди, чунки иқтисодий муносабатлар негизида меҳнат ётади. Меҳнат, А.Навоий талқинига мувофиқ, “мусибат, бало”, “ғам, дард”, “машаққат, қийинчилик” маъноларини англатади [2. – 299-300 б.]. Инсон иқтисодий фаолиятдан, меҳнатдан оладиган қониқиш объектив ва субъектив тўсиқларни, машаққатларни енгиш



асосидагина ҳосил бўладиган туйғу. Иқтисодий онг айнан ушбу омил негизида шаклландиган субъектив воқеликдир.

Иқтисодий ва ижтимоий онглarning бир-бирига моҳиятан ҳамда функционал боғлиқлиги уларнинг жамият, тараққиёт ва инсон манфаатлари билан уйғунлигидан келиб чиқади. Яъни онглр ўртасидаги боғлиқликнинг негизи манфаатлардадир. Агар гап иқтисодий онг тўғрисида кетса, унинг негизини иқтисодий манфаатлардан, ижтимоий ва иқтисодий онглр боғлиқлиги ҳақида кетса, уларнинг асосини ижтимоий ва иқтисодий манфаатлар муштараклигидан, мабодо сўз онг ва манфаатларнинг бир-бирига таъсири борасида юритилса, субъектив ва объектив омилларнинг социокреатив, регулятив ҳамда аподиктив хусусиятларини очиб бериш зарур бўлади. Чунки иқтисодий онг билан ижтимоий онг ўртасидаги диалектик боғлиқлик, ўзаро таъсир аниқ манфаатлар негизида рўй беради. Яъни “иқтисодий манфаатларга ижтимоий жараён мундарижаси тўла сингиган бўлади ва инсон ҳаётининг жами жабҳаларида бу манфаатлар ҳаракат қилади.” [3. – 43 б.] Мазкур пастулатдан келиб чиқадиган фикр шундаки, онг манфаатларнинг субъектив инъикоси, айнан манфаатларга асосланган ижтимоий муносабатлар, фаолият турлари онг шакллари белгилайди. Бу аслида иқтисодий омилларнинг устуворлигини тасдиқловчи фикрдир.

Баъзан иқтисодий манфаатларни, ҳатто барча фаолият турларини субъектив омиллардан келтириб чиқаришга уриниш учрайди. Тўғри, онг, тафаккур, субъектив-когнитив омиллар таъсирсиз фаолият тури йўқ, аммо уларни мутлақлаштиришга ҳам асос йўқ. Шунинг учун Б.К.Иминов таъкидлайди: “Иқтисодий манфаатларга онг ҳолати, ижтимоий онг таъсири тариқасидагина қарамасдан, уни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шакли сифатида ҳам олиш керак.”[4. – 47 б.] Олим ҳақ, иқтисодий онгнинг имманент белгиларини нафақат субъектив омиллардан, энг аввало, “ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шакли”дан қидириш керак. Ана шунда биз ижтимоий ва иқтисодий онглрдаги трансформация жараёнларини объектив ўрганишга, ёритишга яқинлашамиз.

Б.К.Иминов мавзумиз учун муҳим бўлган қуйидаги масалани қўяди:

“Инсоннинг иқтисодий манфаатлари, - деб ёзади у, - ўзига хос мазмун ва шаклда, шахс ва жамият маънавий ҳаётида акс этган бўлади. Негаки, ижтимоий тараққиётнинг бутун муаммовий мажмуаси ижтимоий онг орқали турли ва кўп қиррали тарзда ифодаланади. Бу инъикос жараёни амалга ошмаган тақдирда у ёки бу манфаат мақоми жамият томонидан қабул қилинмайди. Яъни, иқтисодий манфаатлар ижтимоий манфаатга айлана олмайди. Бу эса ўз навбатида манфаатлар диалектикасини инкор этилишидир.”[5. – 50 б.] Демак, манфаатлар ижтимоий онг орқали жамият ҳаётида объективлашади, тан олинади, ўз мавқеига эга бўлади. Агар манфаат ижтимоий онгдан жой олмаса, у орқали объективлашмаса, инкор этиладими? Манфаатлар ўз мавжудлигини намоён қилиши ёки объективлаштириши учун ижтимоий онгдан ўтиши зарурми? Инсонга ейиш, ичиш, совуқдан сақланиши учун кийиниш, юриш, эшитиш, ҳид сезиш кабилар қандай ижтимоий манфаатлар билан боғлиқ? Тўғри, уларни биологик эҳтиёж, инстинкт ифодаси, дейиш мумкин. Лекин бу ҳали юқоридаги саволларга жавоб эмас. Ёки хусусий мулк қандай ижтимоий манфаатлар билан боғлиқ? Ахир жамиятда хусусий мулкка эга бўлмаган, аммо улар ижтимоий онгида хусусий



мулкка ижобий муносабатлар шаклланмаган аҳоли қатламлари, гуруҳлар, кишилар ҳам борку?! Нима, уларда ижтимоий онг йўқми?

Бизнинг фикримизча, иқтисодий манфаатнинг ижтимоий ёки иқтисодий онгдаги инъикоси ўзидан ўзи, механистик тарзда рўй бермайди. Бу ўринда нафақат манфаатлар уйғунлиги, шунингдек, субъектив воқеликка хос бўлган мотив, установка, идентификация, рефлексия, ўзликни англаш, идеал излаш, этностереотип кабилар ҳам муҳим рол ўйнайди. Улар ҳақида биз олдинги бобларда муаммо доирасида тўхталганмиз. Шунини қайд этишимиз зарурки, иқтисодий манфаат юқоридаги субъектив воқеликлар орқали иқтисодий онгнинг англайдиган, регуляция қиладиган, керак ҳажмда ёки кўзланган мақсадга мувофиқ шакллантириш мумкин бўлган жараён эканини билишга ёрдам беради. Айнан субъектив воқеликлар инсондаги иқтисодий онгни қайси томонга, қайси мақсад ва манфаатларга йўналтиришнинг психологик – когнитив механизмлари сифатида келиши билан қимматлидир. Иқтисодий онгдаги трансформация жараёнларини эса уларсиз кузатиб бўлмайди.

Ижтимоий ва иқтисодий онглarning моҳиятан ҳамда функционал боғлиқлиги уларнинг умумий иқтисодий ҳаёт қонунларидан келиб чиққани билан боғлиқ.

Ижтимоий онгдаги трансформация жараёнларига иқтисодиёт, иқтисодий онг ва иқтисодий муносабатларнинг таъсири масалаларини ўрганишимиз зарур. Буни эса иқтисодий онгнинг имманент белгиларини аниқлашдан бошлаш даркор. Мазкур белгиларнинг ижтимоий ҳаётга, ижтимоий онга таъсири иқтисодий онгнинг ижтимоий моҳиятини англашга ёрдам беради. Имманент белгилардан ижтимоий моҳиятни ўрганишга ўтиш эса фалсафий тадқиқотларнинг индукция ва дедукция методларига мувофиқдир.

Фуқаролик жамияти шароитидаги иқтисодий онгнинг имманент белгилари қуйидагиларда акс этади:

- иқтисодий борлиқнинг инсон, жамият, тараққиёт билан боғлиқ фундаментал қонунларини;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни назарий моделлаштириш сирларини;
- инсондаги ижтимоий-иқтисодий фаолликдан фойдаланиш ва уни жамият манфаатларига йўналтириш механизмларини билиш.

Мазкур белгиларни субъект ва объектдан, инсоннинг иқтисодий фаолият турларидан, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, меҳнат тақсимоти, истеъмол ва талаблардан, хусусий мулкнинг кишилараро муносабатларга таъсири ва унинг социологик аҳамиятидан ҳам излаш мумкин. Бизнинг фикримизча, муаммони бу даражада майдалаштириш ёки кенгайтириш бизни мавзудан узоқлаштиради. Иқтисодий белгиларнинг имманент белгиларини ўрганиш тадқиқотдаги бош мақсад, яъни ижтимоий онгдаги трансформация жараёнларини, ушбу жараёнларга таъсир этувчи омилларни ва пировард натижада бу ўзгаришлар нималарга олиб келиши мумкинлигини аниқлашга қаратилиши даркор.

Юқоридаги уч йўналиш иқтисодий онга хос имманент белгиларни инсон – иқтисодий борлиқ – жамият келажагини моделлаштириш тизими орқали қарашга ундайди. Улар марказида тараққиёт, субъект ва объект муносабатлари, иқтисодий



борлиқнинг трансформацияга берилиши туради. Демак, диққатимиз юқоридаги тизимлардаги трансформация жараёнларига қаратилади.

Иқтисодий борлиқ инсон, жамият, тараққиёт билан боғлиқ фундаментал қонунларни ўзида мужассам этади. Ушбу фундаментал қонунларнинг амал қилиши туфайли инсон ўзининг кундалик ҳаёти ва фаолиятини нимага сарфлаётганини, эртага, индинга нималар қилиши зарурлигини англайди, режалаштиради.

Инсон кўп вақтини, кучини ва ақлу тафаккурини кундалик меҳнатга, иқтисодий муносабатларга бағишлар экан, ўз даврига хос иқтисодий борлиқни яратишга ҳисса қўшади. Қандай иқтисодий борлиқ яратса, шундай муҳитда, макон ва муносабатларда яшайди, унинг кундалик меҳнати ушбу борлиққа мувофиқдир. Энг муҳими эса шундаки, инсондаги ижтимоий онг, характер, мотив, установка, ҳаёти ва фаолиятдан қониқиш, жамиятдаги мавқеи ана шу ўзи яратишда иштирок этган иқтисодий борлиқда шаклланади.

Кундалик меҳнат орқали ўзини, оиласини боқиш иқтисодий борлиқнинг фундаментал қонунларидан биридир. Ҳеч қачон инсон мазкур қонунни унутмайди, ҳатто у ўз ҳаётини қандайдир трансцендентга бағишлаганида ҳам кундалик эҳтиёжларидан воз кечмайди. Кундалик эҳтиёжлари туфайли у кишилар даврасида яшайди, улар билан турли муносабатларга киришади, ён – атрофида бўлаётган воқеалар билан қизиқади, келажакка оид режалар тузади. Бу инсондаги интравертлик, гоҳо эгоизм бўлиб кўринади, чунки шахсий манфаатлар билан кундалик меҳнат, эҳтиёжлар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Ибтидоий одамлар шахсий манфаатлар борлигини билмаган, улар жамоадаги нормаларга сўзсиз итоат этган, иккиланмай уларга ҳаётини фидо қилган. Меҳнатдаги дифференциация шахсий манфаатларни кундалик меҳнат марказига қўйган.

Фуқаролик жамиятида иқтисодий онг кундалик меҳнатни қўллаб-қувватлайди, инсон эҳтиёжлари унинг меҳнати, сайъ-ҳаракатлари билан узвий боғлиқлигини англашга ундайди. Бу меҳнат қилишнинг зарурлигини англашигина эмас, балки меҳнати орқали ўзининг, оиласининг эҳтиёжларини қондириш, фойда кўриш, тақдирланиш ҳамдир. Агар инсон ушбу эҳтиёж-ларни қондирмаса, қашшоқ, онги қолоқ, аддиктив хулқ-атвор билан яшашга мажбур бўлади. Қашшоқлик онгнинг ривожланишига акс таъсир этади, уни бошқалар кўрсатмаларига итоатда, аддиктив яшашга етаклайди. Фуқаролик жамияти учун эса нафақат жон куйдириб ишлайдиган, ўзини ўзи боқадиган, балки ижтимоий онги ривожланган, иқтисодий борлиқни самарали меҳнати билан ярата оладиган шахслар, кишилар керак. Шунинг учун, деб ёзади академик М. Шарифхўжаев “фуқаролик жамиятининг бош белгиси бўлиб иқтисодиёт ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий белгиси хусусий мулкчиликка асосланади. Хусусий мулк фақат ва фақат эркин, очиқ, ботинан ривожланишга қодир, сиёсийлашмаган, ҳар қандай мафкурадан, яъни мафкуравий монополизмдан холи жамиятдагина шаклланади, мавжуд бўлади... Фуқаролик жамияти мустақил ишлаб чиқарувчи, мустақил эркин харидор, мустақил озод фуқаро жамиятидир.” [6. – 10-11 б.] Мазкур таърифдаги айрим фикрларга қўшилмаслик, улар билан бахслашиш мумкин. Бироқ олим фуқаролик жамиятига хос бўлган фундаментал белгини, ижтимоий онгни характерлаб келувчи хислатни тўғри кўрсатади. Улар –



иқтисодиёт ва эркин меҳнат қилувчи, эркин истеъмолчи, харидор ўртасидаги эркин муносабатлардир. Фақат шундай муносабатлар инсон ва жамият тараққиёти учун зарур бойликлар яратади.

Иқтисодий онгнинг имманент белгиси бойлик яратиш, ортириш, фойда кўриш билан боғлиқ. Иқтисодий борлиқни иқтисодий, моддий бойликсиз тасаввур этиш қийин, чунки меҳнат жараёнида яратилган бойликлар туфайлигина иқтисодий борлиқ реал кўриниш касб этади, иқтисодий, моддий бойликлар орқалигина иқтисодий онг объективлашади. “Ишлаб чиқариш”, “тақсимот” ва “истеъмол” шунчаки тушунчалар, сўзлар эмас, улар иқтисодий, моддий бойликлар яратишга қаратилган фаолият билан боғлиқлиги боис қимматлидир. Айнан бойлик иқтисодиёт назариясининг, иқтисодий онгнинг асосий предмети бўлиши лозим. Иқтисодий борлиқнинг ушбу фундаментал қонуни иқтисодий онгни қайси томонга, қандай мақсадларга йўналтиришни белгилаб беради.

Фуқаролик жамиятидаги бозор иқтисодиёти инсон, жамият, тараққиёт манфаатларига хизмат қилади, янги – янги моддий бойликлар, хизмат турлари, сервис яратади, аммо унинг баъзан рецессияга учраб турадиган воқелик эканини унутиб бўлмайди. Бу бозор иқтисодиётининг, демак, иқтисодий борлиқнинг ҳам фундаментал белгисидир.

Фуқаролик жамиятида инсон эҳтиёжлари, қизиқишлари омили етакчи ўринда туради. Барча демократик, ҳуқуқий қадриятлар ушбу омилга хизмат қилади. Бозор иқтисодиётининг ушбу фундаментал қонуни ижтимоий-иқтисодий муносабатларга, инсон ва жамият, фуқаро ва бозор, объект ва субъект алоқаларига, ўз навбатида онгдаги ўзгаришларга таъсир этмай қолмайди. Айнан мазкур омил боис иқтисодий қонунлар бошқа социологик, демократик, маънавий – маданий тараққиёт қонунлари билан уйғунлашади, ижтимоий борлиқни, инсон ҳаётини яхлит воқелик сифатида англаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий онгдаги ўзгаришлар, инновация бутун ижтимоий борлиқда кечаётган ислохотлар таъсири инъикосидир. Иқтисодий онг нафақат ишлаб чиқариш, шунингдек, у меҳнат жамоасини ташкил этиш ва бошқариш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, бозор талабларини ўрганиб бориш, халқаро иқтисодий алоқалар ўрнатиш, рақобат ва менежмент технологиясини билиш, жаҳон бозорида иштирок этиш, инвестициялар жалб қилиш жараёнларининг ифодаси ҳисобланади. Ижтимоий-иқтисодий манфаатлар, қизиқишлар кишиларнинг иқтисодий онгига таъсир этади, бироқ бу таъсир маълум бир ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида, улар орқали объектив кўриниш олади. Шунинг учун иқтисодий онгнинг субъектив белгиси эмас, булки унинг объективлашган кўриниши муҳимдир.

## References:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 127 б.



2. Қаранг: Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2-Т. – Тошкент: Фан, 1983. – 299-300 б.
3. Иминов Б.К. Манфаатлар – сиёсат ва мафкура манбаи. – Тошкент: Минҳож, 2002. – 43 б.
4. Ўша асар. – 47 б.
5. Ўша асар. – 50 б.
6. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 10-11 б.